


Ўқитувчиларнинг ҳар куни байрамдек ўтади

« — Бу отахон сенинг ўқитувчи эканингни кўрди ва айнан шу мақоминг ҳурматидан жой бўшатди. »

5-с.



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ




ЖАМИЯТ

№ 37 (672)
2019 йил
27 сентябрь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.bong.uz jamiyatgzt@mail.ru

Имтиёзлар фақат «акахон»ларга бериладими?



Вазирга саволимиз бор!

— Жамоатчиликни норози қилиш, берган ваъдаларга риоя этмасликдан кўзланган асосий мақсад нима?

«Маънавият карвони» Томдига етиб келди



Аллерген миқдори даволаш курси давомида оширилиб борилади. Мазкур усул билан даволаш давомида аллергия касаллигининг енгиллашишига ёки бутунлай даволаниб кетишига эришилади.

Ер юзида ҳар иккинчи инсон аллергиядан азият чекади

ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

1 октябрдан бошлаб халқаро карталардаги маблағларни банкوماتлар орқали фақат сўмда ечиб олиш мумкин. Марказий банк буни халқаро амалиёт билан боғлади.

1 октябрдан нималар ўзгаради?

Ободлик учун барча масъул

«Аҳоли пунктларини ободлаштириш соҳасида ишлар самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга мувофиқ, жорий йилнинг 1 октябрдан юридик ва жисмоний шахслар ўзига бириктирилган ҳудудни ободлаштириш учун масъул ҳисобланади.

«Меҳрибонлик» уйлари ходимларининг тариф ставкалари ўзгаради

«Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари раҳбар ходимлари ва олий маълумотли тарбиячилари ҳамда барча турдаги халқ таълими муассасаларининг олий маълумотли тарбиячиларининг базавий тариф ставкалари миқдорларини умумтаълим мактабларининг тегишли раҳбар ва педагог ходимлари базавий тариф ставкаларига тенглаштирилади. Бунда айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисос-

лаштирилган таълим муассасалари тарбиячилари учун кўзда тутилган устама бекор қилинади.

Шунингдек, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячиларига меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун ҳар ойда тўланадиган устама ҳақи лавозим маошининг 75 фоизи миқдорда тўланади.

Акциз солиғи ошади

Икки маҳсулот учун акциз солиғи оширилади. Алкоголи маҳсулотнинг акциз солиғи ставкаси ўрта ҳисобда 10 фоизга, тамаки маҳсулотининг акциз солиғи ставкаси 20 фоизга оширилади.



Меҳнат мигрантлари учун микроқарз

Энди меҳнат мигрантлари ҳам банклардан микроқарз олиш имкониятига эга бўлади.

— меҳнат мигрантларига — 1 банк куни давомида паспорт, ариза ва меҳнат органининг илтимосномаси асосида 2019 — 2020 йилларда 10 фоиз ва 2021 йилда 12 фоиз ставкада 2 миллион сўм миқдорда 1 йил муддатта микроқарзлар бериш;

— сугурта компанияларига — йилга 1 маротаба хориждаги вақтинчалик меҳнат мигрантлари ҳаёти ва соғлигини сугурталаш бўйича сугурта мукофоти суммасини қоплаш учун ҳар бир меҳнат мигранти учун 50 000 сўм миқдорда бир маргалик субсидиялар тақдим этиш амалиёти жорий этилади.

Солиқ ва божхона имтиёзлари

«Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга кўра:

— бензин, дизель ёқилғиси ва газни ёқилғи қуйиш станциялари орқали охири истеъмолчиларига сотадиган юридик шахслар, ушбу товарларни сотишдан тушумнинг миқдоридан қатъий назар қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўловчилари ҳисобланади;

— товарларни импорт қилувчи тadbirkorлик субъектлари, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъий назар ҚҚС тўловчилари ҳисобланади. Бунда товарларни биринчи марта импорт қилувчи тadbirkorлик субъектлари импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб ҚҚС тўловчиси сифатида ҳисобга туриши шарт;

— қуйидагилар бўйича ҚҚС, шу жумладан, импорт қилинганда ҳам имтиёз-

лар бекор қилинади:

✓ асбест, кўмир, ёғоч материаллари, ёғоч ва ундан тайёрланган буюмлар, углеводород хом ашёси;

✓ соя данаги, кунгабоқар ва кунжут уруелари, мойли хом ашё ва шаклар хом ашёси;

✓ қишлоқ хўжалиги техникаси, автотранспорт воситалари, автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, материаллар ва технологик асбоб-ускуналар;

✓ юридик шахсларнинг тижорат банкларига жойлаштирган маблағларидан фоиз кўринишида олинган тўлов манбаини фойда солиғидан озод қилиш бўйича имтиёзлар бекор қилинади.

Шунингдек, ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан белгиланган ҚҚС бўйича имтиёзлар бекор қилинади.

Миллий гвардияга янги ваколат

Шахсга доир маълумотларни қонунга ҳилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, фойдаланиш, бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш:

— фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари (608 минг 190 сўмдан)дан 5 баравари (1 миллион 13 минг 650 сўм)гача;

— мансабдор шахсларга 5 баравари (1 миллион 13 минг 650 сўм)дан 10 баравари (2 миллион 27 минг 300 сўм)гача жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмур ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг содир этилса, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари (10 миллион 136 минг 500 сўм)гача жарима ёки 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Қонун билан Миллий гвардия органлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўрувчи ҳамда суриштирув органлари қаторига киритилди.



КИСКА САТРАЛДАРДА УҚИНИ!

Интернет материаллари асосида «Жамият» мухбири Баҳринисо МАДУМАРОВА тайёрлади.

Суд экспертизаси фаолияти такомиллашади

Мамлакатимизда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг ҳам алоҳида ўрни бор. Сўнги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишга оид сазъ-ҳаракатлар жараёнида ушбу Марказ фаолиятини янада такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судларнинг малакали эксперт тадқиқотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, суд экспертизаси соҳасидаги тадқиқотларнинг илмий асосланганини ошириш борасида муҳим қadam қўйилди.

Жумладан, Президентимизнинг «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда Пойтахтимизнинг Муробод тумани Фарғона йўли кўчасида Марказнинг янги замонавий ихтисослаштирилган биноси қад ростлади. Бинода барча замонавий шарт-шароитлар асосида экспертларнинг самарали фаолият олиб бориши учун имконият яратилди.

Ҳозирги кунда Марказнинг Жиззах, Навоий, Бухоро ва Наманган вилоят бўлимлари янгидан таш-

кил этилиб, уларда Суд-автотехника, Суд-курилиш техник ва Суд-иқтисодий экспертиза йўналишлари фаолияти белгиланди. Шу билан бирга Марказда суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича ўқув маркази ташкил қилинди. Унда ҳар йили қарийб 500 нафар суд экспертларининг малакаси ва ҳуқуқий билимлари оширилиб, сертификатлар бериб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қарори асосида Марказда янги экспертиза йўналишлари очилди. Шунингдек, лабораториялар ISO/IEC 17025 халқаро стандарти талаблари асосида синовдан

Қарор ва ижро

ўтказилиб, Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Марказ ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра лавозим маошини белгилашда тариф коэффициентлари бир ярим баробар миқдорда қўлланилиши ҳам суд экспертнинг мустақиллиги тамойилларига сўзсиз роия қилишда, профессионал фаолиятида катта рағбат бўлмақда.

Айни пайтда Марказнинг моддий техникаси модернизация қилиниб, лаборатория ва бўлимлар янги замонавий асбоб-ускуналар, махсус мебель жиҳозлари билан таъминланмоқда.

Қабул қилинган қарорлар Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Толибжон ОРЗИЕВ,
Х.Сулаймонова номидаги
Республика суд экспертизаси
маркази директори ўринбосари

Марказий сайлов комиссияси томонидан Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун 150 та ҳудудий сайлов округи тузилади.

Имтиёзлар фақат «акахон»ларга бериладими?

Президентимизнинг 2017 йил 11 июлдаги қарори асосида мамлакатимизда 2017 йилнинг 1 сентябридан бошлаб автотранспорт воситалари учун харидоригр ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган давлат рўйхат рақамларини оширилган тўлов ставкалари бўйича, шу жумладан, кимошди савдосини ўтказиш йўли билан танлаш тартиби жорий этилди.

Бу янгилик аҳоли томонидан илиқ қарши олинди. Барчага ўзининг имкониятига қараб, хоҳлаган харидоригр ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган давлат рўйхат рақамларини танлаш ва аукцион орқали шаффоф, рақобатдошлик асосида харид қилиш имконияти яратиб берилди. Бир сўз билан айтганда, адолат таъминланди.


Ўз навбатида, ушбу тартиб жорий этилиши натижасида Давлат бюджетига қўшимча маблағ келиб тушиши таъминланди. Ўтган икки йил мобайнида унинг ҳажми 250 миллиард сўм атрофида бўлди.

Энг асосийси, бу тартиб жорий этилиши билан соҳада турли коррупцион ва суиистеъмоллик ҳолатлари ҳамда аҳолининг норозилигига барҳам берилишига эришилди.

Лекин айрим «ишбилармон» шахслар томонидан мазкур соҳада бошқа йўллар орқали «ишни битириш» ҳолатлари юзага келди. Жумладан, Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан автотранспорт воситаларига давлат рўйхат рақамларини бериш амалиёти яқиндан ўрганилганида мазкур соҳада бир қатор камчиликлар ва муаммолар борлиги аниқланди. Яъни бугунги кунда аукцион орқали сотилмайдиган айрим давлат рақами белгиларига нисбатан аҳолига юқори талаб бор. Кўзгусимон ҳамда иккита кетма-кет бир ҳил рақамли (117, 171, 177, 272, 515, 717, 727 ва ҳоказо) давлат рақами белгилари талабгир ҳисобланмоқда.

Бундай турдаги давлат рақами белгиларини беришда шаффофликнинг йўқлиги, ички ишлар органлари ходимлари томонидан навбат асосида бериш қоидасига ҳар доим ҳам риоя қилинмаслиги, жойларда таниш-билиш, турли кўринишда-

ги «илтимос»лар орқали «ишни битиришга» олиб келмоқда. Натижада, бу ҳолат коррупцион генезияни юзага келтирмоқда. Хусусан, чиройли давлат рақам



ми белгиларини у ёки бу шахсга бериш тегишли бўлинма масъул ходимларининг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлиб қолган.

Мазкур масалани бартараф этиш ва аҳолидаги норозилик ҳиссийатини бартараф этиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталари томонидан Ички ишлар вазирлигига 3 марта тегишли қарорлар асосида таклифлар киритилган. Давлат рақами белгиларини бериш тизимини қайта кўриб чиқиш ва қайси фуқарога қандай рақам берилишини компьютер ихтиёрига қолдириш ҳамда «чиройли» кўзгусимон ва талабгир рақамларни кимошди савдоси орқали танлаш тизимини жорий этиш бўйича таклифлар шулар жумласидан.

Бироқ шу кунга қалар бу соҳада ҳеч қандай ўзгариш кузатилмади. Ҳанузгача «фалончи ака» ёки турли «илтимос» орқали ишни битириш амалиёти бутунлай йўқ бўлиш ўрнига, аксинча, ривожланиб борапти. Бу эса соҳада турли шубҳали, коррупцион ва суиистеъмоллик ҳолатларига сабаб бўлмоқда.

Барча соҳалар каби ушбу тизимда ҳам биз адолатни, шаффофликни таъминламас эканмиз, ривожланишда турли тўсиқларга учрайверамиз.

**Умиджон СУЛАЙМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Кўпчилиكنинг хабари бўлса керак. Ўтган йили Абдурашид Абдуқодиров билан аҳоли фикри ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда олий таълимда контракт тўловлари миқдорини камайтириш ҳамда табақалаштирилган тўлов контракт тизими ҳақида қатор таклифларни киритган эдик. Улар инobatга олинмаган бўлса-да, бу йил Президент қарорида стипендиясиз контракт тўлаш, табақалаштирилган тўлов асосида қабул масалалари қисман ўз аксини топди.

Вазирга саволимиз бор!

Бироқ бу йил минглаб ота-она, талаба ва депутатларнинг норозилигига қарамай, контракт тўловлари 10 фоиз ўрнига 18 фоизга оширилди, стипендия нархлари камайтирилди, берган ваъдалар унутилди. Бош мақсад талабани қийнаб, унинг стипендиясини камайтириш ҳисобига ўқитувчининг ойлигини ошириш, бошқа харажатларни қоплаш экан.

Зиёли, диёнатли устоз ва мураббийларимиз бунга «эҳтиром»ни қандай қабул қилмоқда, буниси ҳозирча қоронғи.

Камига кунни кеча Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги супер-контрактлар ҳақида қўшимча расмий маълумотларни эълон қилди. Унга кўра, 2019/2020 ўқув йилида ўқишга киришига 4 балгача етмаган абитуриентлар супер-контрактни қўйидаги миқдорда тўлашар экан: киришга 1 балгача етмаган абитуриентлар учун 1,5 баробар; 1.1 баллдан 2 баллгача — 2 баробар; 2.1 баллдан 3 балгача етмаганлар учун — 2,5 баробар, 3.1 баллдан 4 балгача етмаганлар учун — 3 баробар амалдаги контрактдан кўп тўланиши керак. Кириш балига 4 баллдан ортиқ етмаган, лекин 56,7 дан кўп балл тўлашган абитуриентлар учун супер-контракт миқдорлари 10 ва 15 баробар, юриспруденция йўналишида эса — 25 баробар, яъни 229 миллион 184 минг сўм, тиббиёт йўналишида — 20 баробар, яъни 170 миллион 649 минг сўмни ташкил этмоқда.

Мамлакатимиз халқ хўжалиги соҳаларида айнан олий маълумотли тиббиёт ходимлари ҳамда юрист кадрлар етишмай турган бир вақтда бу йўналишда супер-контрактларнинг космик нархларда белги-

лангани давлат сиёсатига «ҳамоҳанг»ми ё биз билмайдиган бошқа мақсадлар борми, тушуниб бўлмай қолди.

Айни пайтда энг кам ойлик иш ҳақи 223 минг сўм бўлгани, ўртача ойлик иш ҳақи 2019 йил январь-июнь ойларида 2,092 миллион сўмни ташкил этиб турган бир пайтда, супер-контракт миқдорининг бундай юқори даражада ҳисобланиши қайси мезонларга тўғри келади?

ЎзЛиДеП Сиёсий Кеншгаши Ижроия Қўмитаси масъули, экспертлар гуруҳи раҳбари Нуриддин Муродовнинг талаб қилган изоҳларига қўшимча равишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда соҳага алоқалар масъуллардан қуйидаги учта саволга жавоб беришини сўрадик:

— Жамоатчиликни норози қилиш, берган ваъдаларга риоя етмасликдан кўзланган асосий мақсад нима?

— Олий таълим тизимида қачон аҳоли фикрини инobatга олиш, улар билан ҳисоблашиш тизимига ўтилади?

— Давлат раҳбари ташаббуси билан «одамларни рози қилиш» принципи олий таълим тизими учун ҳам тегишлими, йўқми?

Дарвоқе, ёшлар таълим-тарбияси борасида жонбозлик кўрсатаётган қолган партиялар ва фаолларнинг ҳам бу масаладаги позицияларини кўришга умид қилиб қоламиз.

**Расул КУШЕРБАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

ЭЪЛОН

«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

2019 йил 14 октябрь кунини соат 11:00 да Термиз шаҳри «С.Оллохёр» кўчаси ёқасида бошланғич баҳоси охиб бориши тартибига ўтказилгангача очиқ аукцион савдосига «Термиз нефть база» маъмулият чекланган жамиятига тегишли бўлган мулклар қўйилмоқда.

1. Шеробод туман Шеробод маҳалласи, ҳудудига жойлашган умумий майдони 3,53 гектар бўлган «Чорвачилик комплекси» бино иншоотлари мажмуа ҳолда қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси: 6 132 000 000 сўм.

2. Қизилқум туман Олмазор ҚФЙ Қалдирғоч маҳалласи, ҳудудига жойлашган умумий майдони 973,31 квадрат метр бўлган «37-сонли ФЭТШ» маъмурий ва хўжалик бинолари мажмуа ҳолда қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси: 39 597 160 сўм.

Савдода иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объект билан «Термиз нефть база» маъмулият чекланган жамияти масъул ходими орқали танишишлари мумкин.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, 2019 йил 11 октябрь соат 18:00 гача ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Термиз шаҳри С.Оллохёр кўчаси ёқасида соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги мулклар 2019 йил 14 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ёки савдо голиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартларини бажармаса, тақририй аукцион савдоси 2019 йил 30 октябрь, 14, 29 ноябрь, 13, 27 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишни олинган маълум қиламиз.

Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб, 5 (беш) календар кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган саналдан бошлаб, томонлар келишувига асосан мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар закалат келишуви тузилганидан

кейин, объект бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдорига «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Траст банк» Термиз филиалидаги (МФО:01063. ИНН:304558702), 2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари ва закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами);

Юридик шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳудуднома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

МУРОЖААТ УЧУН МАН-ЗИЛ:

«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ Термиз шаҳри С.Оллохёр кўчаси ёқаси.

Телефон: (76) 223-77-83.

Хизматлар лицензияланган. Лицензия RR -0291.



Сиёсий партия ўзининг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида 40 минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

● **Жорий йилнинг 27-28 сентябрь кунлари юрти-
мизда илк мартаба Халқаро аллерголог-имму-
нологларнинг конгресси ўтказилади.**

● **Ер юзида ҳар иккинчи**
● **инсон аллергиядан**
● **азият чекади**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 40 фоизи аллергик касалликларга чалинган. Мутахассислар аниқлашча, 15-20 йилдан сўнг ер юзида ҳар иккинчи инсон аллергиядан азият чека бошлайди. Бизнинг мамлакат аллергик касалликлар тарқалиши бўйича дунёда энг барқарор ҳисобланади.

Аллергик касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, даво усуллари ва соҳада олиб борилаётган амалий қадмлар хусусида **Республика илмий-ихтисослашган аллергология маркази раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Илмира Разиқова** бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Аллергик касалликларни даволашда касалликнинг бошланган вақтига эътибор бериш жуда муҳим. Касаллик қанча тез ривожланиб борса, организм учун шунча хавfli ҳисобланади.

Ҳозирда аллергияни тўлиқ дори-дармон билан даволаш мушкул. Шу давргача ишлаб чиқарилган биринчи, иккинчи ва учинчи синфга эга бўлган антигистамин дорилар касалликнинг хуружи даврида фақатгина аллергиянинг белгиларини вақтинча тўхтатади. Аммо буткул даволамайди.

Ушбу касалликни даволашда амалиётда кенг қўлланиладиган даволаш усули бу иммунотерапия ҳисобланади.

Аллерген миқдори даволаш курси давомида оширилиб борилади. Мазкур усул билан даволаш давомида аллергик касалликнинг енгиллашишига ёки бутунлай даволаниб кетишига эришилади.

Кези келганда таъкиллаш керакки, ривожланган мамлакатларда ривожланган мамлакатларга нисбатан аллергияга чалинганлар сони кўплиги бежиз эмас. Атроф-муҳит флосланиши, стресслар, дори воситалар қабул қилинишининг ортиб бориши, овқатланиш рационининг ўзгариши каби омиллар аллергик касалликлар ортишига замин яратади.

Оддий бир мисол. Тошкентда апрель охирида ёнғоқ, оқ қайин гуллай бошлайди. Хусусан, бу йилда дарахтлар жадал чанглиниши кузатилди. Одатда биз ҳавонинг бир куб метрида 400-600 чанг зарраларини аниқласак, бу йил ушбу кўрсаткич 20 мингга етди. Май ойида марказимиз поллинознинг оғир шаклига чалинган беморларга тўлиб кетди. Чанг атамасининг кўплаб дебютлари қайд этилди.

Марказимиз Ўзбекистон аҳолиси орасида аллергик касалликлар билан касалланишни аниқлаш мақсадида доимий популяцион эпидемиологик текширувлар ўтказиб боради. Хусусан, Президентимизнинг «Аллергик касал-

ликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йилнинг 1 январидан 1 июлига қадар 18 ёшгача бўлган аҳоли орасида аллергик касалликларни эрта аниқлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, марказ ходимлари ҳар ойда республикамизнинг барча ҳудуд ва вилоятларига чиқиб, касалланиш кўрсаткичларини аниқ маълумотларда олишга муваффақ бўлди. Келгусида аҳолининг бошқа қатламларида ҳам аллергик касалликлар билан касалланишнинг аниқ кўрсаткичларини олишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Мана шу чиқишлар даврида мамлакатимизда аллергик касалликлар гиподиагностикаси мавжудлиги маълум бўлди. Бунинг бир неча сабаби бор. Биринчидан, беморлар касалликларнинг илк босқичларида шифокорга мурожаат қилмасдан, ўз билганича даволанади. Иккинчидан, бирламчи тизим шифокорлари, терапевт ва педиатрларнинг аллергопатология диагностикаси борасида яхши тайёргарлигининг йўқлиги. Улардан патология гумон қилинганда беморларни мутахассисга юбориш таллаб этилади, холос. Учунчидан, узоқ, чекка ҳудудлардаги аҳолига ихтисослашган тиббий ёрдам етарли даражада эмаслиги.

Марказимиз кўп йиллар давомида дори воситаларини синовдан ўтказиш ва янги воситалар ишлаб чиқиш базаси ҳисобланади. Истиқболли режаларимиздан аллергенлик хусусиятлари камайтирилган ва ноҳўя таъсирлари кам, ўзимизнинг иқлим шароитларимиздан келиб чиққан ҳолда аллергенлар ишлаб чиқиш, ташқаридан таъсир этувчи аллергенларга иммун жавоб модуляцияси

саналади.

Гап шундаки, аксарият беморлар аллергологга кўринмай, терапевт, дерматолог, оториноларинголог каби шифокорларда даволанади. Улар эса аниқ ташхис қўймайди. Масалан, оториноларингологларда кенг тарқалган ташхис табиатда учрамайдиган «вазомотор ринит»дир. Вазомотор ринитларнинг барча — инфекцион, аллергик, гормональ касалликларда мавжуд. Бу ташхисни қўйиб, улар аллергик касалликка чалинган беморни йиллар давомида қон томир торайтирувчи усуллар билан даволайди. Аллерголог-иммунолог турли соҳаларо муаммоларни боғловчи бўгин ҳисобланиб, бунда нафақат юқори малакали мутахассис тайёрлаш, балки бошқа мутахассислар учун ўқитиш дастурлари тайёрлаш жуда муҳим. Бу мақсадга эришиш учун йилда бир-икки мартаба халқаро миқёсда конгресслар ўтказиш режага киритилди.

Хусусан, жорий йилнинг 27-28 сентябрь кунлари юртимизда илк мартаба Халқаро аллерголог-иммунологларнинг конгресси ўтказилиши режалаштирилган. Анжуманда Ҳиндистон, Россиядан етакчи соҳа вакиллари иштирок этади. Дастур соҳадаги ютуқлар, аллергик ва иммунопатологик касалликларнинг янги даво усуллари мувофиқ ҳамда амалиёт шифокорларига тавсиялар асосида тузилган. Қувонарлиси, соҳамизга бошқа йўналишдаги шифокорларнинг қизиқиши ортиб бориши ва анжуман иштирокчилари сони кенгайишидир. Зеро, муваффақиятларга халқаро ҳамкорлик ва соҳаларо узвий боғлиқликни таъминлаш орқали эришилади.

«Жамият» муҳбири
Баҳринисо МАДУМАРОВА
ёзиб олди.

Қутлов!

**«Ўзбектелеком»
акциядорлик
компанияси
Тошкент
филиали
жамоаси:**

— *Азиз ва мўтабар устозлар, барчангизни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини билан чин кўнгилдан қутлаймиз. Илм-фан, фарзандларимиз камоли, юртимиз равнақи йўлида олиб бораётган заҳматли ва шарафли ишларингизга омад тилаймиз.*



ҚИСКА
САТРЛАРДА
ЎҚИҲ!

Термиз шаҳридаги 21-сон бахшичилик мактаби негизда бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган республика мактаб-интернати ташкил этилди.

Жимжимадор рақамлар билан тиббиёт ривожланмайди

Бугун тиббиётни ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада ошириш борасида қилинаётган ишлар диққатга сазовордир. Тизимдаги муаммолар комплекс ўрганилиб, уларга ечим топишга эътибор кучаймоқда.

Ўз навбатида, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар учун масъул этиб белгиланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳам масалага дахлдорлик ҳисси билан парламент назоратининг барча таъсирчан шаклларида унумли фойдаланяпти.

Бироқ жойларда халқимиз билан ўтказилаётган учрашувлар, сайловчиларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш жараёнида мазкур соҳада ҳали ҳам қатор камчиликлар борлиги ойдинлашмоқда.

Биз, депутатлар 2018 йил ҳам, жорий йилда ҳам республикамиз бўйлаб олиб борилган ўрганишларда аниқланган камчилик ва муаммоларни бир неча бор Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбариятига, қолаверса, тегишли вазирлик ва идоралар олдига кўйдик. Бу борадаги ишлар ҳали ҳам давом этмоқда. Бироқ шунга қарамай, кўплай масалалар ечимида ижобий натижа, олдинга силжиш сезилмаяпти. Хусусан, мамлакатимизнинг аксарият туман ва шаҳарларида шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари ташкил қилинган бўлиб, уларнинг нормативлари, яъни шифо ўринла-

ри (койка) сони номутаносиб ҳолда белгиланган. Бунда аҳоли сони ва касалланиш ҳолати ҳисобга олинмасдан қолмоқда. Масалан, 171 минг аҳоли бўлган Галлаорол тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлимида ҳам, 46 минг аҳоли яшайдиган Зафаробод тумани реанимация бўлимида ҳам шифо ўринлари (койка) сони 6 та этиб белгиланган. Ёки Амударё тумани аҳолиси 195 минг нафар бўлиб, шошилинч тиббий ёрдам (ШТЁ) бўлимига 40 та койка ажратилган бўлса, 481 минг аҳолиси бўлган Ургут туманида ШТЁ шифо ўринлари (койка) 30 тани ташкил этади. Бу эса, айрим тиббиёт муассасаларида кўплай тирбандликлар келиб чиқиши ва аҳолининг ҳақли эътирозлари-га сабаб бўлмоқда.

Мазкур муаммо Соғлиқни сақлаш вазирлиги олдида шифо ўринларини

(койка) хатловдан ўтказиб, таҳлил қилиш, Молия вазирлиги билан биргаликда янги ишлаб чиқилган нормативларни тасдиқлаш ва ҳаётга жорий этиш вазифасини қўйиши табиий эди. Бироқ ушбу вазифа вазифалигича қоляпти, депутатларнинг жон куйдиришлари фойда бермаяпти.

Мана шундай реал муаммолар, камчилик ва ҳал этилиши долзарб бўлган масалалар соҳанинг бугунги талаблар асосида ривожланишига тўсқинлик қиляпти. Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари эса, назаримизда, амалий ишлар билан бирга, асосан баландпарвоз гаплар, жимжимадор рақамлар ортидан қувиш билан банд бўлиб қолмоқда.

Жамшид ПИРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Мулоҳаза

Жамоат транспорти муаммоларни ҳал қиладиган жой эмас

Янги ўқув йили ҳам бошланди. Бекатда кимдир ишга, кимдир ўқишга, яна кимдир ўз юмушига шошган. Кўча тўла автоуловлар. Шунда манзилнингизга етасиз.

Шу ўринда айрим мулоҳазаларни ўртоқлашгимиз келди. Кўпинча айрим ҳайдовчиларнинг кўполлиги, оқибатсизлигидан нолиймиз. Бироқ баъзи йўловчиларнинг фаросатсизлиги, асаббузар «маданияти» ҳам бор гап.

Ўқишга шошиб, йўналишли таксита ўтирдим. Орқа ўриндиқда кимнингдир қўл

тепасидаги «Телефонда кўп гаплашманг! Жамоат транспортидасиз, атрофдагиларни ҳурмат қилинг!» деган ёзувга кўзим тушди. Нафақат муома-

уз сўраб, истиҳола қилиш ўрнига пулини олгандан кейин истаган манзилда тўхта-тишини айтди. Унинг ёши улуг инсонларга қарата айт-

Тарбияга ҳамма бирдек масъул

— Андижон — Тошкент йўналишида кира-кашлик қиламан, — дейди

Одоби кемтикларнинг мудроқ идроки

ла, балки йўловчи маданиятини ҳам унутган баъзи кишилар бу ёзувни ўқиб, ўқиб олишса, фойдадан холи бўлмасди.

ган бу гапидан уялиб кетдим. Ёшгина қизнинг озроқ масофани ҳам юришга эриниши... билмадим, бу ҳолат кимга қандай таъсир қиладди?

Ёшлик инсоннинг куч-ғайратга, шижоатга тўлган даври. Бу куч-ғайратни ҳуда-беҳудага сарфламай, ўзимизнинг саломатлигимиз, порлоқ келажагимиз учун сарфласак, айни муддао бўларди. Ярим қақирим пиеда юришнинг фойдаси бўлса борки, асло зиёни йўқ.

— Кўпчилик биз, ҳайдовчиларни айблашади, — дейди кўп йиллардан буён йўналишли такси ҳайдовчиси Юнусбек Боқиев. — Тез юрасизлар, кўпол муомала қиладисизлар, дейишади. Аммо айрим йўловчиларнинг ўзлари бизни шунга мажбур қилишади. Фикримча, фақат ҳайдовчини айбдор қилиш тўғри эмас. Ўқув курси машғулотларида ҳайдовчи маданияти ҳақида сабоқ олганмиз. Йўловчи маданияти деган этикетга ҳам риоя этилса, турли кўнгилсиз ҳолатлар бўлмасди.

« Бир сафар йўлда тушлик учун тўхтадик. Йўловчи аёл фарзанди билан машинада овқатланди. Манзилга келгач, улар тушиб қолганидан кейин машина ичига эътибор берибман. Эҳ-ҳе, аёл кишининг бу даражада лоқайдлигидан ҳафсалам пир бўлди. Ўриндиқ тўшакчаси ёғ доғлари, машина пасти эса турли нон ушоқлари билан тўла. Бундай ҳолатдан ҳар қандай кишининг жажли чиқиши тайин. Йўловчилар бироз эътиборли бўлишса, яхши бўларди. »

Дилкашбек Муллажонов. — Йўл узок. Баъзан яхши ҳамроҳ учрайди. Гурунглашиб манзилга қандай етиб келганимизни билмай қоламиз. Гоҳида манзилга етгунча кўзим тўрт бўлади. Албатта, атрофимиздагиларнинг феъл-атвори турлича. Аммо айримлар ўзларининг ноўрин хатти-ҳаракатлари билан жонингдан тўйдирди.

Бир сафар йўлда тушлик учун тўхтадик. Йўловчи аёл фарзанди билан

машинада овқатланди. Манзилга келгач, улар тушиб қолганидан кейин машина ичига эътибор берибман. Эҳ-ҳе, аёл кишининг бу даражада лоқайдлигидан ҳафсалам пир бўлди. Ўриндиқ тўшакчаси ёғ доғлари, машина пасти эса турли нон ушоқлари билан тўла. Бундай ҳолатдан ҳар қандай кишининг жажли чиқиши тайин. Йўловчилар бироз эътиборли бўлишса, яхши бўларди.

Андишали халқмиз. Гоҳида ёнимиздаги йўловчи ҳамроҳимизнинг ноўрин ҳаракатларидан ранжисак ҳам, унга танбеҳ беришдан қочамиз. Одобсизлик қиляётганларни кап-катта одам-

лар кўриб-кўрмагандек ўтиб кетишяпти. «Сени ишинг нима», деган дағдагадан безиллаб қолишган. Илгари катталар мен ҳақимда хунук гап эшитмасин, деган ҳадикда кўп оdatлардан тийилардик. Бугун ўша маънавият, одоб-ахлоқ чегараси бузилгандек. Маърифат, зиё улашиш энг катта ибрат эканини унутмаслигимиз керак. Атрофимиздаги айрим одоби кемтик йўловчиларнинг мудроқ идроки, онгу шуурини уйғотайлик.

Севинчи АБДУМУТАЛИБОВА,
Тошкент давлат педагогика университети талабаси



телефони жиринглади. Машина ичини аёлнинг кўпол овози тутди. Афтидан фарзанди шеклиди, уни уриш кетди. Бирин-кетин оилавий муаммолар «ҳал» этила бошланди. Атрофдагилар унга маъноли қарагани, ҳайдовчининг «секинроқ», деганига ҳам парво қилмайди. Манзилга етгунча асабларим таранглашди. Тушиб кетар эканман, эшик

Автобус бекатда тўхтади. Йўловчилар алмашди. Автоулов жойидан силжиди. 50-60 метр юриб улгурмади. Кўнги-роқдек овоз тўхтаб кўйишини сўради. Автобустаги айрим катта ёшли йўловчилар ёшгина қизнинг бекатда тушиб қолмаганидан, ҳайдовчини овера қилганидан ранжиб, қизга дакки бергандек бўлди. Аммо қиз ҳам бўш келмади,



Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Баҳоловчиларга тоифалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди.

НОЛС
Розимова Ёркиной Юлдашевнага Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан берилган А № 0034984 рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Facebook ижтимоий тармоғида Рустам Бисенев исмли фойдаланувчининг куйидаги постини қизиқиш билан ўқидим ва сизларга ҳам илдиним.

«Японияда ишлаб юрган кезларим ҳамкасбим — ўқитувчи Ямамотодан сўрадим:

— Японияда ўқитувчилар куни қачон? Сизларда уни қандай нишонлашади?

метрога тушдик. Кечқурун, тигиз вақт бўлгани учун метро поездлари йўловчилар билан тўлган. Тиқилинча бироз қийналиб, тутқични маҳкам ушлаб туришга тўғри

келди. Тўсатдан ёнимда ўтирган ёши улуг киши ўрнидан туриб, менга жой бўшатди. Кекса одамнинг менга бундай муносабатини тушунмай, унинг таклифини қабул қила олмаслигимни айтдим. Аммо у қарориди қатъий эди. Мен ўтиришга мажбур бўлдим.

Метродан чиққандан кейин Ямамотодан оқсоқолнинг ҳаракатини тушунтиришини сўрадим. Ямамото

« — Бу отахон сенинг ўқитувчи эканингни кўрди ва айнан шу мақоминг хурматидан жой бўшатди. »

табассум билан костюмимга қадалган ўқитувчи нишонига ишора қилиб, деди:

— Бу отахон сенинг ўқитувчи эканингни кўрди ва айнан шу мақоминг хурматидан жой бўшатди.

латди:

— Японияда ўқитувчи энг хурматли касб эгаси, энг хурматли инсон. Агар ўз дўконига ўқитувчи кирганини кўрса, япониялик тадбиркорлар жуда хурсанд бўлади, буни ўзлари учун катта шараф деб билади...

Японияда мен ўқитувчиларни жуда-жуда хурмат қилишларига бир неча бор гувоҳ бўлдим. Метрода улар учун алоҳида жойлар мавжуд, алоҳида дўконлар очилган, ўқитувчилар ҳар қандай транспорт турига чипта олиш учун ҳеч қачон навбатда турмайди.

Бу воқеа ҳақида ёзар эканман, бизнинг жамиятимиз ҳам шундай даражага кўтарилиши, ўқитувчига нисбатан шундай илтифот кўрсатилиши ва ўз навбатида, улар бундай юксак мақомга муносиб бўлишини чин юракдан истайман!»

СамДУ доценти, рус филологияси факультетининг ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари
Мавлон БОБОХОНОВ
 тайёрлади.


Ўқитувчиларнинг ҳар куни байрамдек ўтади

У менинг саволимдан ҳайрон бўлди ва шундай жавоб берди:

— Бизда ўқитувчилар учун махсус байрам куни йўқ.

Унинг жавобини эшитиб, ишониш-ишонмасликни билмай қолдим. Хаёлимдан бир фикр ўтди: Иқтисодиёти, фан-техникаси ривожланган мамлакат бўлса, ўқитувчини, унинг меҳнатини қадрламайдими?

Кунларнинг бирида ишдан сўнг Ямамото мени уйига таклиф қилди. У мактабдан узоқда яшагани боис биз



Ямамотонинг уйига биринчи марта келаётганим учун бўш қўл билан бориш ноқулай эди. Мен бирор-бир совга олишга қарор қилдим. Ўз фикримни унга айтдим. У рози бўлди ва шу атрофда ўқитувчилар учун махсус дўкон борлигини, у ерда чегирма нархларда истасан нарсани сотиб олиш мумкинлигини айтди. Ҳайратимни яшира олмай:

— Иштиёқлар фақат ўқитувчиларга бериладими?

Ямамото тасдиқ ишорасида бошини қимир-

Қутлов!

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Зангиота туман кенгаши жамоаси

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан барча устозларни чин дилдан қутлайди.

Масъулиятли фаолиятингизда куч-ғайрат, ютуқ ва омад, хонадонингизга бахту саодат, файзу барака тилайди.



Адлия вазирлиги томонидан «Адлия тадбиркорга дўст» лойиҳаси доирасида тадбиркорларни ноқонуний ҳомийлик ишларига жалб қилишга қарши акция эълон қилинди.

«Маънавият карвони» Томдига етиб келди

«Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз, бу — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир». 130 дан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилаётган ва 16 диний конфессияга мансуб ташкилотлар фаолият кўрсатаётган юртимиз асрлар мобайнида турли маданиятлар, анъаналар ва диний эътиқодлар учрашган табаррук замин бўлиб келган. Миллий ва диний бағрикенглик ўзбек менталитетининг ажралмас қисмига айланди.

Мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда Маданият марказларининг ташкил этилгани ҳам эъ-

тирофга лойиқ. Худудларда «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Шу азиз Ватан — барчамизники!» шиори остида дўстлик фестиваллари, учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Бу эса вилоят ва туманлари-

миздаги турли миллат вакиллари ўртасида қардошлиқ ришталари мустақамланишига замин бўлмоқда. Этник қадриятларни сақлаб қолиш, ривожлантириш, тарғиб қилиш, миллатлараро тотувликни мустақамлаш сиёсатимиз ўзагини ташкил қилади.

Кўпгина халқлар қатори қозоқ миллати ҳам ўзининг тарихи, улкан маданий меросига эга. Бу борада жорий йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ҳамкорлигида имзоланган муҳим ҳужжатлар ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, маданий-маърифий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди.

2018 йил Қозоғистон Республикасида Ўзбекистон йили катта шодиёна билан нишонланди. Унинг доирасидаги ижодий лойиҳалар, мулоқот ва учрашувлар, бадий кўргазмалар қардош халқлар ўртасидаги дўстлик ришталари азалий эканини яна бир бор исботлади. Бу йил эса юртимизда Қозоғистон



йили кўтаринки кайфиятда нишонланмоқда. Олис ўтмиш, археология, театр, кино санъатига оид тадбирлар, премьералар, қизиқарли экспозициялар ўзбекистонлик мухлисларга катта завқ улашмоқда.

— Бу жиҳатлар Абай Қўнонбоев таваллуди муносабати билан ўтказилган тадбирларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди, — дейди Тошкент

вилояти қозоқ миллий маданияти маркази раиси Дамир Қолдибоев. — Президентимизнинг 2018 йил 13 мартдаги «Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида»ги қарорини халқимизнинг қардош Қозоғистон элига, унинг бетақрор адабиёти ва маданиятига, ёруе келажагига бўлган ҳурмати ва ишончининг ёрқин ифодаси сифатида эътироф этиш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижросини таъминлаш мақсадида Олмалиқ кон-металлургия комбинати «Қардошларга — китоб» лойиҳасини ўтказмоқда.

Президентимиз худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини, янги истиқболли лойиҳаларни белгилаш мақсадида Навоий вилоятига ташрифи давомида Томди туманида бўлиб, бу ерда яшаётган қардош қозоқ халқи учун Ахборот ресурс марказини ташкил

«Қон-қардошлиқ ришталарини янада мустақамлаш мақсадида Олмалиқ шаҳридаги «Металлург» МСда «Қардошларга — китоб» маърифий тадбири бўлиб ўтди. Шу куни ўзбек ва қозоқ нурунийларининг дуоси ва карнай-сурнай садолари билан китоблар Навоий вилоятига жўнатилди.

— Бу жиҳатлар Абай Қўнонбоев таваллуди муносабати билан ўтказилган тадбирларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди, — дейди Тошкент

вилояти қозоқ миллий маданияти маркази раиси Дамир Қолдибоев. — Президентимизнинг 2018 йил 13 мартдаги «Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида»ги қарорини халқимизнинг қардош Қозоғистон элига, унинг бетақрор адабиёти ва маданиятига, ёруе келажагига бўлган ҳурмати ва ишончининг ёрқин ифодаси сифатида эътироф этиш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижросини таъминлаш мақсадида Олмалиқ кон-металлургия комбинати «Қардошларга — китоб» лойиҳасини ўтказмоқда.

Президентимиз худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини, янги истиқболли лойиҳаларни белгилаш мақсадида Навоий вилоятига ташрифи давомида Томди туманида бўлиб, бу ерда яшаётган қардош қозоқ халқи учун Ахборот ресурс марказини ташкил

латномалар тўлдирилди. Чегара маскани инспекторлари томонидан Марказий карантин лабораториясида 12 турдаги ўсимликлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уруелардан намуналар топширилди. Натихада, «Шарқ уснимон кўрти» ва бактериал касалликларни тарқатувчи «Кулранг замбуруғ» каби карантин остидаги зараркунандалар аниқланди. Бу зараркунандалар билан зарарланган маҳсулотлар тартибга кўра йўқ қилинди.

Баҳодир Хўжақулов, Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциясига қарашли «Тошкент юк саройи» ўққМ агроном инспектори

этиш вазифини Олмалиқ кон-металлургия комбинатига топширган эди. Яқинда ана шу марказ ташкил этилди. Марказ замонавий китоб жавонлари ва жиҳозлар билан таъминланиб, томдиларга комбинат томонидан 421 номдаги 844 та ўзбек, рус ва қозоқ тилидаги китоблар тўхта этилди.

Кон-қардошлиқ ришталарини янада мустақамлаш мақсадида Олмалиқ шаҳридаги «Металлург» МСда «Қардошларга — китоб» маърифий тадбири бўлиб ўтди. Шу куни ўзбек ва қозоқ нурунийларининг дуоси ва карнай-сурнай садолари билан китоблар Навоий вилоятига жўнатилди.

— Олмалиқ шаҳридан йўлган чиққан китоб карвони куни кеча туманимизга етиб келди, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази



зи Томди туман бўлимаси раҳбари Марат Саматов. — Бундан туманимиздаги ёшу кекса бирдай қувондик. Барча шароитлар яратилган ахборот ресурс марказимизда фақатгина китоблар етишмовчилиги бор эди. Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг сайё-ҳаракати ва ташаббуси билан бу камчилик ҳам бартараф этилди. Қувонарлиси, китоблар 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган барча фуқароларга хос ва мос бадий адабиёт ҳамда қўлланмалар билан бойитилгани бўлди. Келганига энди 3-4 кун бўлган бўлса-да, марказимиз одамлар билан гавжум. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига ва «Олмалиқ АГМК» АЖ бошқарув раисига туманимиз аҳолиси номидан алоҳида ташаккур билдирамиз.

Даврон АХМАД,
«Жамият» муҳбири

Жараён

Ўсимликлар озиқ-овқат, кийим-кечак, бошпана ва бошқа эҳтиёжларимиз учун жуда зарур. Уларни зараркунандалардан ўз вақтида ҳимоя қилиш эса мамлакатимиз тарққиёти, халқимиз турмуш фаровонлиги йўлидаги муҳим вазифа.

Зараркунандалар йўқ қилинди

Мамлакатимизга бошқа давлатлардан карантин остидаги зараркунандалар кириб келиши ва чет мамлакатларга уларнинг чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида Ўсимликлар карантини чегара масканлари ташкил этилган. Жумладан, «Тошкент юк саройи» ўсимликлар карантини чегара масканида ҳам четдан кириб келаётган юклар ва хорижга чиқарилаётган маҳсулотлар синчиклаб текширувдан ўтказилади. Биргина август ойида 879 тонна экспорт қилинадиган юклар кўздан кечирилиб, бу маҳсулотларга

44 дона халқаро стандартдаги фитосанитар сертификати тақдим этилди. Шунингдек, 20 митн 462 тонна импорт маҳсулотлар ҳам карантин назоратидан ўтказилиб, уларга 20 дона фитосанитар сертификатлар ҳамда 535 дона карантин далолатномаси тузилди.

Бундан ташқари, чегара маскани агроном-инспекторлари фермер хўжаликлари ва турли ташкилотларга бориб, улардаги юкларни ҳам карантин назоратидан ўтказиб келмоқда. Ўрганишлар натижасида 30 та дало-

латномалар тўлдирилди. Чегара маскани инспекторлари томонидан Марказий карантин лабораториясида 12 турдаги ўсимликлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уруелардан намуналар топширилди. Натихада, «Шарқ уснимон кўрти» ва бактериал касалликларни тарқатувчи «Кулранг замбуруғ» каби карантин остидаги зараркунандалар аниқланди. Бу зараркунандалар билан зарарланган маҳсулотлар тартибга кўра йўқ қилинди.

Баҳодир Хўжақулов,
Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциясига қарашли «Тошкент юк саройи» ўққМ агроном инспектори

<p>ЖАМИЯТ</p> <p>Муассислар: Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси. Ўзбекистон Нодавлат нотариат ташкилотлари миллий ассоциацияси. Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари</p>	<p>қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси. Ўзбекистон экологик ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси. «Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.</p>	<p>Бош муҳаррир Максуд ЖОНИХОНОВ</p> <p>Тадбир хайъати: Рустам Комилов Рустам Қосимов Борий Алиқонов Акмал Саидов Шавкат Жавлонов</p>	<p>Газета таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-914 Адади: 1402. Жума куни чиқади. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.</p> <p>ISSN 2010-7722</p>	<p>Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев</p> <p>Дизайнер: Бегали Эшонқулов</p> <p>100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32. Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55 Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@umail.uz Газета индекси — 131</p> <p>«ЖАМИЯТ» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. ЎЗА йқуни: Топширилган вақти: 20.05</p> <p>1 2 3 4 5</p>
---	--	---	---	--



Вазирлар Маҳкамасининг «2019-2020 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.



«МАХАМ ШИРСИҚ» акциядорлик жамияти жамоаси

*Кўз нури, қалб қўри, бутун борлигини
бағишлаб, барчамизга эзгуликдан сабоқ
берган азиз устозларни касб байрами
билан муборакбод этади.*

*— Сизларга бошимиз ерга теккунча
таъзимдамиз, азиз устозлар!*

*Мана шундай шарафли касб эгалари
фарзандларимиз бахтига
доимо соғ бўлсин!*

